

ЎҚУВЧИЛАРДА МЕҲМОН КУТИШ ОДОБИ ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Умаров Рахим Тоъжиевич, Исоқов Шохрух Тўрабек ўгли

*А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси ўқитувчилари
e-mail: umarovr@jspj.uz*

Аннотация: Мақолада Технология фани бўйича машғулотларда ўқувчиларда меҳмон кутиш одоби, унинг ҳурматини жойига қўйиш ва эҳтиром билан кузатиш ҳамда Республикамизнинг турли воҳаларида меҳмонни кутишнинг ўзига хос урф-одатларига оид тушунчаларни шакллантиришга асосий эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: қариндош-уруғ, мезбон, меҳмон кутиш, зиёфат, маросимлар, меҳмондорчилик, анъаналар, меҳмон, дастурхон.

Аннотация: Статья посвящена формированию у студентов представлений об этикете гостеприимства, уважении и соблюдении гостеприимства, а также специфических традициях гостеприимства в различных оазисах республики.

Ключевые слова: двоюродный брат, хозяин, прием гостей, банкет, обряды, гостеприимство, традиции, гость, стол.

Resume: The article is devoted to the formation of students' ideas about the etiquette of hospitality, respect and observance of hospitality, as well as the specific traditions of hospitality in various oases of the republic.

Key words: cousin, host, reception of guests, banquet, ceremonies, hospitality, traditions, guest, table.

Ёру-биродарлар, қариндош-уруғ ва дўстларникига тез-тез бориш келиш қилиб туриш энг яхши инсоний фазилатлардан бири деб билади халқимиз. Меҳмондорчиликда ўз уйига келган ҳар бир меҳмонни яхши очик юз билан чин кўнгилдан кутиб олиш мезбоннинг чиройли бир фазилатларидан ҳисобланади. Олдинлари ҳеч бир огоҳлантиришсиз ҳам хоҳлаган вақтида меҳмонлар ташриф буюрар эди. Баъзан меҳмондорчилик авжига чиқиб узок давом этган. Аммо кўпинча меҳмондорчиликнинг вақти-соати меҳмоннинг хоҳиш-ихтиёри ва мезбоннинг иззат-икромидан белгиланган.

Мазкур мақолада мактаб ўқувчиларига Технология фанидан амалий машғулотларда меҳмон кутиш одоби ҳақида тушунчалар беришга эътибор қаратилади.

Умумий ўрта таълимнинг Технология фанидан давлат таълим стандарти асосида ишлаб чиқилган фан дастурига кўра 9-синфда ўтиладиган

Технология фани “Сервис хизмати” йўналишининг (Касб танлашга йўналтириш бўлимида) Рўзгоршунослик асослари қисмида “23-мавзу: Дастурхон тузаш қоидалари. Меҳмон кутиш одоби.”(1 соат ажратилган) мавзуси киритилган. Мавзуни Меҳмон кутиш одоби қисмини ўтиш жараёнида мактаб Технология фани ўқитувчилари мақолада келтирилган маълумотлардан машғулот давомида фойдаланишсalar мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўп меҳмон чақириб яхшироқ сийлашга қаратилган бу одат тарихий ва этнографик ривож асосида таркиб топган. Аҳамият берилса аксарият кишлоқ жойларида ўзбек оилалари уйларнинг ички кўриниши кўп тоқчалик ва кўп таҳмонлик қилиб қурилган. Тоқчаларда идиш-товоқ, таҳмонларда сандиқлар устига қават-қават кўрпачалар тахлаб қўйилади. Шу сабабли ўзбекнинг уйига кўплаб меҳмон келганда ҳам шошиб қолмасдан бемалол кутиш имкониятига эга бўлади.

Меҳмон кутишда Республикаимизнинг турли ҳудудларида ўзига хос одатлари борлиги ҳақида ўқувчиларга маълумотлар берилса янада мақсадга мувофиқ бўлади. Дастурхонга албатта палов тортишдан ташқари, Тошкентда, масалан, кази-картали норин таёрлаш ва хушбуй қора чой дамлаш одат тусига кирган. Фарғона водийсининг барча ҳудудида ва Самарқандда меҳмонга дастлаб иссиқ кўк чой берилади. Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган ва Фарғонада меҳмонга чой берилгач, кашнич, райхон солинган ва қатикланган мастава, сўнгра девзира гурунчдан лоларанг қовурма тортилади. Бу шаҳарларда меҳмон дастурхонига патир ва жиззали нонлар, анвойи хўл мевалар, оқ кўнгилликнинг рамзи сифатида сут, қатик, қаймоқ қўйилади.

Келган меҳмонга дарҳол қатик таклиф этиш ёки нонуштасига албатта қатик бериш, айниқса, Наманганда яхши одат тусига кирган. Сабаби, бу ерда меҳмонлар қатик ичишнинг инсонга кўпгина фойдали эканлигини эътиборга олади. Шу билан бирга узоқ жойдан келиб сув ва ҳаво ўзгартирган кишини кайфиятини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Самарқандда меҳмонни ширин-шакар хўл мевалар, дунёга донғи кетган осие нонлари ҳамда қаймоқ билан сийлаш, сўнгра эса мурч сепилган чучвара ва тўграма палов билан сийланади. Бухорада майизли палов ва яхлит қилиб пиширилган барра кабоб, вилоятнинг чорвадор ҳудудларида эса янги сўйилган кўзи гўштининг шўрваси ва кабоби меҳмоннинг олдида торилади. Хоразмликлар меҳмонни тилёра қовунлар, махсус тайёрланган палов билан сийлашади. Қорақалпоқликлар меҳмонни балиқ ва кулчатой билан сийлашади.

Ўзбеклар учун меҳмоннинг муҳим ёки номуҳими, катта ёки кичиги дегани бўлмайди. Остонадан хонадонга қадам ранжида қилган ҳар қандай инсон бир пиёла чой ичиб кетиши азалий одат ҳисобланади. Узок ҳаётий тажрибага эга бўлган қарияларимиз доимо оилада шуни такидлайди: “Овқат қилганда доимо кўпроқ қил, чунки кутилмаганда меҳмон келиб қолиши мумкин”, деб насиҳат қилади.

Меҳмонга чақирганда шахсан учрашиб ёки телефон орқали айтилади. Ҳеч бўлмаса, телефон орқали айтиш имконияти бўла туриб, меҳмонни кимдир орқали чорлаш чиройли муомала тарзидан эмас. Бу таклиф этилган инсонга нисбатан ҳурматсизликдир. Шунингдек, бирон кишини меҳмонга чақирмокчи бўлинса, унинг вақтини суриштириб, зиёфатни унга маъқул келган вақтга тўғриланади. Меҳмон кутишга тайёргарлик кўраётганда, хоналарнинг озодалигига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, ваннахонага тоза сочиқ, янги совун, атир ва ҳоказолардан кўйилади. Меҳмоннинг кўзи дорда осилган ичкийим, чақалоқларнинг иштонлари ва ҳоказоларга тушиб қолмайдиган бўлиши лозим.

Меҳмонлар белгиланган вақтдан эрта келиб қолиши мумкинлигини инобатга олиб, ярим соатлар олдин чиройли кийиниб, уларни кутишга тайёр бўлиб турилади. Меҳмонлар олдида аёлингиз ёки болаларингизга бақириб, уларни урушиб, асабийлашмаслик лозим. Бу меҳмонни қувиш билан баробар.

Таом тановул қилинаётганда меҳмоннинг ейиш суръатига қараб, секин-секин тановул қилишиб, ундан аввал тугатиб қўймаслик, шунингдек, меҳмонга таомни келтирилгач, у билан бирга тановул қилиш керак. Бир меҳмон: “Меҳмон учун мезбоннинг тўқлигидан кўра зарарлироқ нарса йўқ”, деган экан. Чунки меҳмоннинг олдида овқат олиб келинса-ю, мезбон овқат еб, тўйиб олган бўлса, меҳмон билан бирга ейишаолмайди. Натижада меҳмон уялиб, бемалол овқатлана олмаслиги мумкин. Меҳмон асосий таомни тановул қилиб, бироз ҳордиқ чиқариб, нафасини ростлаб олгач, фарзандларни ими-жимиди чақириб, уларни меҳмонга таништириш лозим. Фарзандларини чиройли кийинтиришни унутмаслик лозим.

Агар янги уйга кўчган бўлсангиз ёки анчадан бери шундай янги қурилган кўркам хонадонда истиқомат қилаётган бўлсангиз ва уйингизга биринчи марта кимдир меҳмон бўлиб келган бўлса, вақт топиб унга хоналарни кўрсатиб сайр қилдиринг. Эҳтимол, меҳмонингиз уйингизни томоша қилгиси келар, лекин буни очиқ айтишга ийманиши мумкин. Албатта, ётоқхона ва аёллар ўтирган хоналар кўрсатилмайди.

Агар бир жамоани меҳмонга чақирилса, улар озчилик бўлса бирга ўтирса зарар қилмайди. Чунки уларга дастурхон устида хизмат қилиб туриш керак бўлади. Бордию улар кўпчилик булса, ташқарида хизмат қилиб турган маъқул. Зиёфат сўнгида меҳмонни эшикдан ташқарига кузатиб чиқиш, унинг ташрифидан бениҳоя хурсанд бўлганлигини изҳор қилиш ва яна ташриф буюришини сўраб қолиш ҳам меҳмоннавозлик қонун-қоидалари сирасига киради. Шунингдек, меҳмонни бирон танишининг машинасида манзилига элтиб қўйиш ёки ҳеч бўлмаганда кўчадаги машинага ўтқазиб юбориш ҳам жуда яхши иш.

Ўзбекларда меҳмонга сарпо кийдириш одати қадимдан то шу кунгача мавжуд бўлиб, у икки маънони англатади. Биринчиси ўзининг яқин кишисига, қариндошига сарпо кийдирганда узоқлашмаслик, бегоналашмаслик, ҳамжиҳатлик истагини билдиради. Иккинчиси бегона кишига сарпо кийдирилса у билан янада яқин дўст бўлиш истагини билдиради. Сарпо кийдириш удуми тўғрисида турли хилдаги ривоятлар бўлиб, меҳмондўстликда ҳақиқий дўстлашининг, қариндошга айланганликнинг, ёки қадрдон бўлиб қолганликнинг рамзий ифодаси ҳисобланиши ўша ривоятлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу сабабли юртимизга хорижий давлатлардан, қардош республикалардан меҳмон бўлиб келган кишиларга ҳам миллий кийимларимиздан кийдирилади, бу узоқ йиллар давомида шаклланган ажойиб анъаналаримиздан бири ҳисобланиб келинади.

Ривоят қилишларича бир киши буюк устозини меҳмонга чақирибди. Устози майли бораман лекин тўртта шартим бор, шунинг унутмаслигинг керак:

1. Тиконнинг устига ўтқазмайсан.
2. Душманимни дастурхонга таклиф қилмайсан.
3. Менга заҳар бермайсан.
4. Охирида орқамга тепмайсан дебди.

Шогирд кўрпачаларни қават-қават қилиб қалин тўшабди, бир қанча вақт ўтиб, беғубор невараларини киритибди, улар кийқиришиб ўйнаб меҳмонни безовта қилибди. Меҳмонни қорни тўйса ҳамки зўрлаб овқат едириб қийнабди. Устози бир кишига ваъда берган эдим деб ўтиришни аввалида айтган эди, лекин шогирд уни зўрлаб анча ўтиришга мажбур қилиб таомлар келтирибди. Охирида оминни ўзи қилади ва кузатиб чиқиб, қандай устоз барча шартларингизни бажардимми, хурсандмисиз деб илтифот кўрсатади. Шунда устоз бажармадинг деб изоҳ берибди:

1-шартим бўйича тиконни устига ўтқазма деб келишган эдик, аммо сен мени бировга ваъда берганман ўз вақтида боришим керак дейишимга карамасдан узоқ ушлаб қолдинг. Бу тиконни устида ўтиришга баробар.

2- шартимни ҳам бажармадинг, яъни болаларингни киритдинг улар сен учун азиз бўлиши мумкин, лекин менга бегона, шовкин қилиб дилимни хира килди. Бу душманганимни дастурхонга таклиф қилганинг.

3- шартим ҳам бажарилмади, яъни менга захар бермайсан деган эдим, аммо қорним тўйган бўлсада мажбурлаб қўймасдан овқат едирдинг. Бу захар бериш билан баробардир.

4- ширтим ҳам бажарилмади, яъни орқамга тепмайсан деган эдим, сен эса ўз уйингда дастурхон устида омин қилиб менга жавоб бердинг. Бу эса орқага тепиш билан баробар.

Хулоса қилиб айтганда ўтмишдан то шу кунгача ота-бобларимиздан бизгача етиб келган йиллар давомида сайқалланган удум ва анъаналаримиздан бири бўлган меҳмон кутиш маданиятини ёшларимиз онгига сингдириш ва уларда меҳмонларни кутиш ҳамда кузатиш кўникмаларини шакллантириш ишларини оилада ва таълим муассасаларида тўғри ташкил қилиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Бугунги кундаги ёши улуғ кишилар, ота-оналар, шунингдек мактабларимиздаги фан ўқитувчилари, айниқса Технология фани ўқитувчилари буни асло ёдидан чиқармаслиги лозим. Акс ҳолда маълум бир вақтлар келиб бу анъана ва удумларимиз унут бўлиб кетиш мумкин. Шунинг учун ҳам буни таълим муассасаларида ўтиладиган фан дастурларига, айниқса “Технология таълим” сервис хизмати бўйича фан дастурида янада бу мавзуга кўпроқ вақт ажратилса (киритилса) айни муддао бўлар эди.

Адабиётлар рўйхати

- 1.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилди, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти, Тошкент-2020
2. Кайковус. Қобуснома,Тошкент. ”Ўқитувчи”, 1986 й.
3. Махмудов К. Меҳмоннома, Тошкент. “Ёш гвардия”, 1989 й.,240 б.
4. Маҳкамов Улфат. Ахлоқ-одоб сабоқлари, Т.: “Фан” нашриёти, 1994 й.,136 б.
5. Собиров А.А. Меҳмон кутиш одоби. “Ҳидоят” журнали 2011 йил, 7-сон.

6.Umarov, R., & Verdibekov, P. (2021). ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ ВА КАСБ-ҲУНАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ. *Физико-технологического образование*, (2).

7.Umarov, R. (2020). Materialshunoslik. Konstruktsion materiallar materialshunosligi fanidan laboratoriya amaliy mashculotlarini bajarishga oid uslubiy qullanma. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

8.Umarov, R. (2020). ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА МАШҒУЛОТЛАРДА МЕҲМОНДОРЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Физико-технологического образование*, (1).

9.Умаров, Р. Т., Ортикова, О. Ш., & Умарова, Н. Р. (2020). ЁШЛАРДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Научное знание современности*, (6), 49-52.

10.Тагаев, Х., Умаров, Р. Т., & Эргашева, С. Т. (2020). МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРОЕКТИРОВАНИЯ МОДУЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ В РАМКАХ ПРОФОРИЕНТАЦИИ ШКОЛЬНИКОВ В СИСТЕМЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *Научное знание современности*, (5), 31-34.

11.Умаров, Р. Т. (1995). Оптимизация структуры управления эксплуатационной деятельностью городского дорожного хозяйства крупного города (на примере г. Ташкента).

12.Умаров, Р. Т., & Умарова, Н. Р. (2021). АМИР ТЕМУРНИНГ НАСЛ-НАСАБИ. *Научное знание современности*, (1), 16-19.

13. Мамажонова, К. А. (2019). ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШДА КОРХОНАЛАР БИЛАН ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ. *Интернаука*, (20-3), 57-58.

14.Холматов, П. Қ., & Мамажонова, К. А. (2020). КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎЛЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАР ШАКЛЛАРИ ВА МАЗМУНИНИ ТАНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК МЕЗОНЛАРИ. *Научное знание современности*, (1), 38-42.

15..Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(08), 3669-3677.

16.Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION,"

Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.

17. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)

18. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)

19. Orishev, J., & Оришева, З. (2021). “METROLOGIK O’LCHOVLAR” MAVZUSINI O’QITISHDA NOSTANDART TESTLARDAN FOYDALANISH . *Физико-технологического образование*, 2(2).

20. Orishev, J. (2020). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГИК МАСЪУЛИЯТИ . *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, 1(1).

21. Убайдуллаев, С., Алибоев, Т.Ч., & Оришев, Ж. Б. (2020). МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ АСБОБЛАР ВА ДАСТГОҲЛАР ФАНИДАН АМАЛИЙ-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУЛАРИ . *Научное знание современности*, (11), 26-29.

22. Алибоев, Т., Оришев, Ж., & Орипова, Ф. (2016). РАЗВИТИЕ ТЕХНИЧЕСКОЕ ТВОРЧЕСТВА СТУДЕНТОВ НА УРОКАХ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1681-1683).

23. Оришев, Ж. Б. (2019). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Интернаука*, (43-2), 70-72

24. Убайдуллаев, С., Оришев, Ж. Б., & Ортиқова, О. Ш. (2019). “УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА” ДАРСЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАНАФФУС” ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ. *Интернаука*, (20-3), 62-63.

25. Низомов, Ш., & Оришев, Ж. Б. (2020). МЕТАЛЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ MAVZUSINI ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Научное знание современности*, (2), 48-52.

26. Тагаев, Х., Оришев, Ж. Б., & Юсупов, М. М. (2015). ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РЕАЛИЗАЦИИ КОМПЕТЕНТНОГО ПОДХОДА В МУНИЦИПАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ НА ОСНОВЕ АПК В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ. In *ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНО-*

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ АРИДНЫХ ЭКОСИСТЕМ (pp. 187-189).

27. Тагаев, Х., Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. Б. (2016). ПОВЫШЕНИЕ ПАТЕНТНЫХ ЗНАНИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1776-1780).

28. Orishev, J. (2020). Ёшларни касбга йўналтиришда шарқона қарашлар ва педагогик масалалар. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

29. Orishev, J. (2020). The use of information and communication technologies in the educational process. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

30. Orishev, J. (2020). Criteria for assessing practical work in higher education. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

31. Orishev, J. (2020). The main stages of Project Education. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

32. Orishev, J. (2020). Роль информационных технологии в подготовке будущих учителей технологического образования. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

33. Orishev, J. (2020). Олий таълим муассасаларида инновацион таълим технологияларидан фойдаланишнинг имкониятлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

34. Orishev, J. (2020). Project Education is a guarantee of educational effectiveness. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

35. Orishev, J. (2020). Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ўстиришга баъзи мулоҳазалар. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

36. Orishev, J. (2020). Ахборот технологиялари: таълим, касбий тайёргарлик ва сифат. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

37. Sharipov, S. (2020). ПЕДАГОГИКА ИЛМИНИНГ КУДРАТЛИ МАСКАНИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

38. Sharipov, S. (2020). ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ ШАХСИ ТУЗИЛМАСИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

39. Sharipov, S. (2020). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ Т И З И М И. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

40. Sharipov, S. (2020). ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ РЕАЛИЗАЦИИ МНОГОУРОВНЕВЫХ ПРОЦЕССОВ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

41. Sharipov, S. (2020). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЁШЛАР МУСТАҚИЛ-ИЖОДИЙ ФИКРЛАШНИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.